

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШОМАҚСУДОВА МАРҲАБОХОН ОДИЛХОН ҚИЗИ

**ЭКМА ЗАФАРОН (*CROCUS SATIVUS L.*) ХОМАШЁСИ ВА ҚУРУК
ЭКСТРАКТИНИ СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Шомақсудова Марҳабохон Одилхон қизи

Экма зафарон (*Crocus sativus* L.) хомашёси ва қуруқ экстрактини стандартлаш5

Шомақсудова Марҳабохон Одилхон қизи

Стандартизация сырья и сухого экстракта шафрана посевного (*Crocus sativus* L.)21

Shomaksudova Markhabokhon Odilkhon qizi

Standardization of raw materials and dry extract of saffron *Crocus sativus* L.)39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Last of published works43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШОМАҚСУДОВА МАРҲАБОХОН ОДИЛХОН ҚИЗИ

**ЭКМА ЗАФАРОН (*CROCUS SATIVUS L.*) ХОМАШЁСИ ВА ҚУРУК
ЭКСТРАКТИНИ СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Far103 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тўлаганов Абдуқодир Абдурахманович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонент: **Юлдашев Закиржан Абидович**
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Абдулладжанова Нодира Гуломжановна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Мирзо-Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «3» октябрь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: www.info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (58 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «10» сентябрь куни тарқатилди.
(2024 йил «10» сентябрь даги 58 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signatures in blue ink]

К.С. Ризаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д

Ё.С. Кариева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 100 млн.дан ортиқ инсонлар атрофдаги стресс, қон айланишининг бузилишли туфайли марказий нерв тизимининг шикастланишларидан жабр чекадилар. Шу муносабат билан ноотроп хусусиятга эга дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, уларни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, фармакотерапевтик изланишлар натижаларига асосан самарадорлигини исботлаш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда халқ табобатида кенг қўлланилиб келаётган доривор ўсимликларнинг замонавий тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида уларнинг фитокимёвий, фармакогностик таҳлил қилиш, асосий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг фармакологик хусусиятларини исботлаш бўйича илмий тадқиқотларга олиб борилмоқда. Бу борада, ноотроп ва ялиғланишга қарши таъсирга эга маҳаллий ўсимлик хомашёларининг кимёвий таркибини аниқлаш, таъсир этувчи моддаларни замонавий усулларда идентификациялаш, стандартлаш ишларини амалга ошириш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз фармацевтика соҳасида дунё миқёсида кенг қўлланиладиган доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва плантацияларини директив ҳужжатлар асосида ташкил қилиш, улар асосида юқори терапевтик фаолиққа эга сақланиш даврида турғун бўлган дори хомашёлари билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада заъфаран (шафран) плантацияларини барпо этиш, олинган хомашёни сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилаш, турғунлигини ва юқори терапевтик таъсирини таъминлаш, безарарлигини исботлаш, маҳаллий фармацевтика саноатини унга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, экспортбop дори воситаларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларни уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги 1-421-сон «Республикамизда зафарон (шафран) плантацияларини барпо этиш, фармацевтика саноати эҳтиёжларини таъминлаш ва экспортбоп доривор ўсимликларни кўпайтиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда доривор ўсимлик хомашёсидан дори воситаларини ишлаб чиқиш, сифат назоратини амалга ошириб ҳамда таркибидаги биологик фаол моддаларни микдорини аниқлаш ва фармакологик фаоллигини ўрганиш бўйича Х.Х. Холматов, Р.Л.Хазанович, Т.П. Пулатова, Х.У. Алиев, У.М. Азизов, В.Н. Сыров, Ш.Ш.Сагдуллаев, Ф.Ф. Урманова, Б.Й. Тухтаев, Х.М. Комилов, Н.Ж.Абдуллаев каби олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Доривор ўсимликлар хомашёси асосида олинган препаратлар таркибидаги биологик фаол моддаларни ўрганиш, уларни стандартлаш, терапевтик фаоллигини аниқлаш бўйича дунё миқёсида бир катор олимлар, жумладан, N.V. Dau, V.N. Thang, J.P. Dzoyem, M.I. Lupak, M.R. Khokla, G.Y. Nachkova, G.I. Adoga, C.Y. Hsu, Seo Sh, Lee Sh, P.H. Cha, M.Y. Kim, Min do S, K.Y. Choi, A.K.M. Moyeenul Huq, J.A. Jamal, J. Stanlas, И.А. Самылина, П.Г. Мизина, Г.Я. Шварц, У.Ф. Гашимов, Х.Ф. Бабаев, С.И. Гасанова, П.А. Шукүрова, О.В. Евдокимов, А.Н. Александров, А.Н. Кузьменко, А.Н. Сливкин, Л.М. Горилловский, А.Т. Терешина, А.С. Чистякова, В.Г. Бабаскин, Ю.Г. Пшуков кабиларнинг илмий изланишлари аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистоннинг турли хил ҳудудларида маданийлаштирилган экма зафарон ўсимлиги хомашёси ва ундан олинган қуруқ экстракт таркибидаги биологик фаол моддаларни микдорини аниқлаб, Эронда етиштирилгани билан солиштириб ўрганиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ПЗ-20170919120-сон «*Crocus sativus* L. – экма

зафарон ўсимлигини дори воситаларини олиш учун хомашё сифатида ўрганиш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Экма зафарон хомашёси ва ундан олинган куруқ экстрактни таркибидаги макро- ва микро элементлар, аминокислоталар, ҳамда бошқа биологик фаол моддаларнинг сифатини, миқдорини замонавий физик-кимёвий усуллар билан аниқлаб, стандартлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб, ноотроп таъсирга эга препаратларни маҳаллий хомашё асосида олиш ва стандартлаш мақсадга мувофиқ эканлигини асослаш;

экма зафарон – *Crocus sativus* L. гул туганаклари таркибидаги биологик фаол моддаларни идентификация қилиш ва миқдорини аниқлашнинг замонавий таҳлил услубларини ишлаб чиқиш;

экма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёсини стандартлаш услубларини ишлаб чиқиш;

экма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёси учун вақтинчалик фармакопоя мақоласини ишлаб чиқиш ва уни тиббиётда қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» давлат муассасасига тақдим этиш ва тасдиқлаш;

экма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёси асосида куруқ экстракт олиш ва экстрактнинг асосий таъсир этувчи моддалари сифатини назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш;

экма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёси асосида олинган куруқ экстракт таркибидаги биологик фаол моддаларни идентификация қилиш ва миқдорини аниқлашнинг замонавий таҳлил услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда етиштирилган экма зафарон (*Crocus sativus* L.) ўсимлигининг хомашёси ва унинг асосида олинган куруқ экстракт ва Эронда етиштирилган экма зафарон хомашёси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда маданийлаштирилган экма зафарон (*Crocus sativus* L.) хомашёси ва унинг асосида олинган куруқ экстрактни стандартлаш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, тиббиёт амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни олиб боришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан, юпка қатламли хроматография (ЮКХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), газ суюқлик хроматографияси (ГСХ), газ хромато-масс спектрометрия (ГХ-МС), фармокологик ва микробиологик усуллар ҳамда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасида маданийлаштирилган экма зафарон – *Crocus sativus* L. гул тугунаклари хомашёсини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш услублари ишлаб чиқилган;

элма зафарон - *Crocus sativus* L. хомашёси таркибидаги биологик фаол моддалардан флавоноидлар, аминокислоталар, макро- ва микроэлементлар, эфир мойларининг миқдори аниқланган ҳамда тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида ноотроп таъсири аниқланган;

илк бор элма зафарон гул тугунаклари асосида олинган куруқ экстракт таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни идентификация қилиш учун сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

хомашё ва куруқ экстракт таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларнинг миқдорини аниқлашнинг (флавоноидлар ва аминокислоталар - юқори самарали суюқлик хроматографияси, эфир мойлари – газ-суюқлик хроматографияси, макро- ва микроэлементлар – масс-спектрометрия) замонавий усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

элма зафарон – *Crocus sativus* L. гул тугунакларининг ноотроп таъсири, ушбу хомашёдан олинган куруқ экстрактнинг яллиғланишга қарши таъсири ҳамда уларнинг хавфсизлиги клиник олди тадқиқотлар натижасида исботланган;

элма зафарон хомашёсининг сақланиш шароитлари табиий усулда аниқланган ва яроқлилиқ муддатлари асосланган;

«Элма зафарон гул тугунаклари» хомашёсига тиббиётда қўллаш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш мақсадида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-кимёвий, клиник олди фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ишлаб чиқилган таҳлил усуллари корхона лаборатория шароитларида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда маданийлаштирилган элма зафарон – *Crocus sativus* L. гули тугунаклари ва унинг асосида олинган куруқ экстракт таркибидаги флавоноидлар, аминокислоталар, микро- ва макроэлементлар ҳамда эфир мойлари аниқланиб, «ўсимлик хомашёси - ундан олинган дори воситаси» қаторида унификацияланган стандартлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Элма зафарон гул тугунаклари» хомашёси учун ЎзР ФА «Ўсимлик моддалари кимёси институти» билан ҳамкорликда вақтинча фармакопея мақоласи ишлаб чиқилганлиги ҳамда «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади, ушбу ҳужжатнинг тасдиқланганлиги республикамизда маданийлаштирилган ўсимликдан дори препаратларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экма зафарон (*Crocus sativus* L.) хомашёси ва куруқ экстрактини стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Экма зафарон гул тугунаклари» хомашёсига вақтинча фармакопеея мақоласи ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланган (ВФМ 42 Уз-4854-2022) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/M 04044/02/22). Ушбу меъёрий ҳужжатни тасдиқланиши юқори самарали ноотроп таъсирга эга хомашёлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида экма зафарон гули тугунакларининг специфик фармакологик фаоллиги ҳамда ўткир заҳарли эмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли ноотроп фаолликга эга доривор ўсимлик хомашёси кўринишидаги дори воситаси шаклида ишлаб чиқариш имконини берган;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида экма зафарон куруқ экстрактининг специфик фармакологик фаоллиги ҳамда ўткир заҳарли эмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли яллиғланишга қарши фаолликга эга безарар дори воситаларни ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК нинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола (5 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Ўсимликлардан олинган дори воситаларининг бугунги кундаги ҳолати ва сифатини таъминлаш муаммолари*» деб номланган биринчи бобида адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили

келтирилган бўлиб, бунда доривор ўсимлик хомашёси ва улар асосида олинган дори воситаларини ва биологик фаол кўшимчаларни стандартлашда халқаро фармакопея талаблари, доривор ўсимликларни стандартлашни ўзига хослиги ва замонавий усуллар ҳақида маълумотлар ҳамда элма зафарон – *Crocus sativus* L. ўсимлигининг биологик фаол моддалари ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Шунингдек, элма зафароннинг таснифи ва замонавий тиббиётда қўлланилиши, ноотроп дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг «*Илмий тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усуллар*» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари, объекти, доривор ўсимлик асосида қуруқ экстракт олиш усули илмий асосланиб берилган.

Диссертациянинг «*Элма зафарон - Crocus sativus* L. гул туганаклари ва у асосида олинган қуруқ экстрактнинг кимёвий таркибини ўрганиши» деб номланувчи учинчи бобида элма зафарон хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларни замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида ўрганилиш давомида олинган натижалар баён қилинган.

Элма зафарон хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларни газ-хромато-масс спектроскопия усули билан аниқлаш. Тадқиқот учун ГОСТ 21722-84 талабларига жавоб берадиган биологик фаол моддаларни сақлаш иқлим шароитига боғлиқлигини ўрганиш учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида етиштирилган хомашё намунаси ва унга таққослаб ўрганиш учун Эрон давлатидан келтирилган элма зафарон хомашёси ишлатилган.


Тадқиқот учун намуна Элма зафарон хомашёси хона ҳароратида гексан ва бензол билан алоҳида (2 г, 1:6 нисбатда (эритувчининг оғирлиги-ҳажми) уч маротаба кетма-кет экстракция қилиб олинди ва Agilent HP-INNOWax кварц капилляр колонкада (30м x 250µм x 0.25µм) Agilent 5975C inert MSD/7890A GC хромато-масс спектрометрида таҳлил қилинди. Кирилган намунанинг ҳажми 1,0мл (гексан, бензол), кўзгалувчан фазанинг оқим тезлиги 1,1 мл/дақ. Инжектордаги ҳарорат 220°C. EI-MS спектрлари m/z10-550 а.с.м. диапазон оралиғида олинган. Биологик фаол моддаларни ажратишни (идентификация) (Wiley Registry of Mass Spectral Data -9th ED.NIST Mass Spektral Library, 2011) электрон кутубхонани ушланиш индекси (RI) бирикмаларни n-алкан(C₉-C₂₈) ушланиш вақтига таққослаб ўрганилди.

Олинган натижалар доривор ўсимликлар таркибида сақлаши мумкин бўлган биологик фаол моддаларни таркибий қисмларини таркиби бўйича тартибга соладиган стандартлар билан таққосланди. Ўрганилган экстрактлардан олинган хроматограммаларнинг декодланиши асосий компонентларнинг таркиби учун тегишли стандартларга мувофиқлигини кўрсатди (1-расм; 1 ва 2-жадвал).


Экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ва Эронда етиштирилган элма зафарон хомашёси ҳамма кўрсаткичлари билан

сифат стандарти талабига жавоб беради.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, хомашёнинг гексан экстрактида кўп миқдорда 2,6,6-триметил-1,3-циклогексадиен-1-карбалдегид (23,40%), бензол экстрактида 10,56% дибутилфталат мавжуд бўлиб, бу республикада етиштирилган зафароннинг кимёвий таркиби халқаро стандарт талабларига жавоб беришини исботлайди.



1-расм. Экма зафарон хомашёсини бензолли экстрактини ГХ-МС хроматограммаси



2-расм. Экма зафарон хомашёсини гексанли экстрактини ГХ-МС хроматограммаси

1-жадвал

Экма зафарон хомашёсини бензолли экстрактининг биологик фаол моддалари

№	Бирикмалар	RI	RT	Майдон,%
1	n-ундекан	1107	3,484	10,30
2	гептанал	1173	4,776	4,65
3	n-додекан	1201	5,329	7,25
4	мезитилен	1265	6,799	1,07
5	n- тридекан	1305	7,752	2,03
6	трет-бутилбензол	1341	8,803	0,39
7	1,3-диметил-5-этилбезоат	1348	9,012	0,51
8	Гептил 2-бромпропонат	1377	9,885	2,91
9	n-тетрадекан	1399	10,549	6,78
10	тетрагидроизохинолин	1491	13,181	0,36
11	n-пентадекан	1499	13,439	1,36
12	изофорон	1554	15,112	5,04

13	n-гексадекан	1597	16,397	6,54
14	сафранал	1605	16,636	11,22
15	p-крезол	1681	18,819	3,39
16	азулен	1687	18,991	1,65
17	n-гептадекан	1696	19,274	1,34
18	β -метилнафтаден	1791	21,955	1,51
19	n-октадекан	1799	22,207	1,48
20	α -метилнафтаден	1809	22,828	0,68
21	1,6-диметилнафтаден	1841	24,820	0,56
22	Гептан кислота	1848	25,263	0,53
23	2,7-диметилнафтаден	1855	25,699	0,45
24	Эндо-3-(метиламино)-2-борнанола	1989	34,092	13,73
25	Цинерин 11	2014	35,697	3,08
26	3,4-дигидро-6,7-дигидрокси-1(2H)-нафтаденон	2138	43,457	2,36
				91,17

2-жадвал

Экма зафарон хомашёсини гексанли экстрактини биологик фаол моддалари

№	Бирикмалар	RI	RT	Майдон%
1	n-ундекан	1107	3,484	7,08
2	p-ксилола	1131	3,952	0,41
3	5-метилендекан	1149	4,308	0,20
4	изододекан	1157	4,462	0,41
5	оксалат кислотаси	1166	4,634	0,16
6	m-ксилола	1169	4,702	0,15
7	n-додекан	1201	5,323	5,71
8	1-этил-2-метилбензоат	1210	5,538	0,40
9	1,2,4-триметилбензоат	1228	5,950	0,18
10	мезитилен	1245	6,331	0,11
11	m-цимол	1255	6,571	0,18
12	1,2,3-триметилбензоат	1265	6,799	0,87
13	1-метил-2-пропилбензоат	1290	7,370	0,67
14	бутилбензоат	1300	7,604	0,18
15	n-тридекан	1305	7,739	2,24
16	1,2-диметил-3-этилбензоат	1311	7,918	2,24
17	2-этил-p-ксилола	1335	8,637	0,18
18	1-этил-2,4-диметилбензоат	1340	8,797	0,34
19	1,3-диметил-5-этилбензоат	1347	9,006	0,46
20	транс-1-метил-2-инданолом	1378	9,922	0,30
21	n-тетрадекан	1399	10,543	5,62
22	изодурол	1409	10,820	0,43
23	транс-7-тетрадекан	1437	11,644	0,13
24	дурол	1458	12,246	0,48
25	тетралин	1491	13,181	0,39
26	n-пентадекан	1499	13,427	1,44
27	изофорон	1555	15,130	4,89
28	6-метилтетралин	1589	16,169	0,13

29	n-гексадекан	1597	16,390	4,77
30	сафранал	1607	16,686	26,33
31	цис-7-гексадекан	1636	17,522	1,12
32	4-оксиизофорон	1652	17,983	0,92
33	аллоцимин	1681	18,831	1,58
34	азулен	1687	19,004	1,29
35	n-гептадекан	1696	19,256	0,68
36	2,2,6-триметилциклогексан-1,4-дион	1734	20,356	1,39
37	β -метилнафтаген	1791	21,967	0,93
38	n-октадекан	1800	22,262	2,42
39	α -метилнафтаген	1810	22,840	0,44
40	2-гексил-1-деканол	1819	23,406	1,67
41	1,5-диметилнафтаген	1841	24,839	0,30
42	2,3-диметилнафтаген	1856	25,724	0,35
43	2,2,5,6-тетраметил-2,3-дигидропуран-4-тион	1925	30,090	0,38
44	1-метокси-5-цикло[2,2,0]гексо-2-ен-6-он	1992	34,271	5,03
45	1,2-диметил-7-фенил-2-пирролин[3,2-с]пиридин	2007	35,218	0,31
46	5-изопронил-2-метилциклопент-1-корбоксияльдегид	2019	36,023	7,48
47	1,6-диметилгепта-1,3,5-триен	2120	42,319	2,15
48	2,3-диметил-2-циклопропен-1-он	2142	43,697	0,78
				94,28

Экма зафарон хомашёси таркибидаги макро- ва микроэлементларни аниқлаш ISP MS NEXION-2000 (Perkin Elmer АҚШ) қурилмасида индуктив аргон плазмаси билан масс-спектрометр (Германия) асбобида “SemiQuant” режимида “Тест.М” ёрдамида олиб борилди. Олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Экма зафарон ўсимлиги гул тугунаклари нинг макро ва микроэлементлар миқдори

№	Ўсимлик таркибидаги элементлар	Миқдори (мг/г)	№	Ўсимлик таркибидаги элементлар	Миқдори (мг/г)
1	Li	0,012	13	Mn	0,587
2	B	0,682	14	Fe	65,171
3	Na	23,481	15	Co	0,032
4	Mg	75,773	16	Ni	0,045
5	Al	10,053	17	Cu	0,239
6	Si	480,329	18	Zn	1,073
7	P	370,114	19	Rb	0,061
8	S	229,831	20	Sr	0,105
9	K	748,287	21	Ba	0,073
11	V	0,037	22	Hg	0,030
12	Cr	1.786	23	Pb	0,076


Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, ўсимлик маҳсулоти таркибида 23 та элемент аниқланган. Ҳасил қилинган *Crocus sativus* L. ўсимлиги гул туганаклари таркибида ҳаёт учун керакли элементлар, рух (1,073 мкг/г), темир (65,171 мкг/г), натрий (23,481 мкг/г), магний (75,773 мкг/г), калий (748,287 мкг/г), кальций (1527,212 мкг/г), хром (1,786 мкг/г), бўлиши хомашёни биологик аҳамиятини янада оширади.

Экма зафарон хомашёси таркибидаги аминокислоталар Steven A, Kohen Daviel методи бўйича фенилтиокарбамил ҳосилалари кўринишида аминокислоталар стандартлар намуналари билан солиштирилиб аниқланди. Аминокислоталар ҳосилаларини идентификация қилиш ЮССХ усули бўйича амалга оширилди.

Таҳлилларда 75x4.6 мм Discovery HS C18 колонкали Agilent Technologies 1200 хроматографидан фойдаланилди.

Кўзгалувчи фаза «А»- 0,14М CH₃COONa + 0,05% ТЭА (триэтиламин), рН 6,4. Кўзгалувчи фаза «В» - ЮССХ учун қўлланиладиган ацетонитрил.

ЮССХ ни олиб бориш шароитлари: колонка ҳарорати - 25°C; тўлқин узунлиги - 269 нм; оқим тезлиги-1,2 мл/дак; киритиш ҳажми-5 мкл.



3-расм. Аминокислоталарни стандарт намуналарини хроматограммаси

4-жадвал

***Crocus sativus* L. ўсимлиги хомашёси таркибида аниқланган аминокислоталар миқдори.**


Алмашинмайдиган аминокислоталар		
Аминокислоталар	Ушланиш вақтлари, дақиқада	Концентрацияси, мг/г
Изолейцин	25,0	1,419956
Лейцин	25,3	1,068996
Триптофан	29,6	1,111631
Фенилаланин	30,07	1,602467
Лизин HCl	31,37	0,787783
Валин	22,4	1,429123
Метионин	23,8	1,215824
Треонин	14,36	1,013514
Ийгинди Σ		9,649294

Алмашинадиган аминокислоталар		
Аспарагин кислота	4,62	0,430934
Глутамин кислота	6,29	0,697983
Серин	9,74	0,740963
Глицин	10,7	0,677594
Аспарагин	10,7	0,722892
Глутамин	11,54	1,251014
Цистеин	12,61	2,757732
Аргинин	14,75	0,928588
Аланин	15,84	0,332815
Пролин	16,23	0,346611
Тирозин	21,01	2,072204
Гистидин	28,7	1,080395
Йиғинди Σ		12,039725
Жами аминокислоталар йиғинди Σ		21,689019

4-жадвалдан хулоса қилиш мумкинки, *Crocus sativus L.* ўсимлиги гул тугунаклари таркибида аминокислоталарнинг турлари бўйича миқдори жиҳатдан қуйидагича кетма-кетликдаги келади.

Алмашинмайдиган аминокислоталар: $liz > fen > lys > izoly > met > val > tre > leu$.

Алмашинадиган аминокислоталар: $cys > glu > ala > ser > pro > gly > asp$.



4-расм. *Crocus sativus L.* ўсимлиги гул тугунаклари таркибидаги аминокислоталари хроматограммалари


5-жадвал

Экма зафарон хомашёси асосида қуруқ экстракт олиш


№	Махсулот номи	Экстракт %	Олинган масса, %
1	Экма зафарон (<i>C. sativus L.</i>) ўсимлиги гул тугунаклари	40% этил спирт	52,55
2	Экма зафарон (<i>C. sativus L.</i>) ўсимлиги гул тугунаклари	60% этил спирт	64,67

Экма зафарон гул тугунаклари асосида олинган қуруқ экстракт таркибидаги флавоноидларни ЮССХ усулида аниқлаш. ЮССХ УБ-детекторли “Agilent-1200” хроматографда, хроматографик колонка Agilent C18 5 мкм, 4.6x250 мм, градиент режимда амалга оширилди. Кўзгалувчи фаза сифатида 0,1% ортофосфат кислота ва ацетонитрил (70:30) нисбатдаги


аралашмасидан фойдаланилди. Элюентнинг ҳажмли оқим тезлиги 1,0 мл/мин, АОК қилинган намунанинг ҳажми 10 мкл. Ишлаб чиқилган усулда дигидрокверцетин, лютеолин, кверцетин, рутин, цинарозид, салидрозид каби флавоноидларни стандарт намуналари билан солиштириб текширилди ва қониқарли натижалар олинди. Флавоноидларни стандарт намуналарини хроматограммаси 6-10 расмларда кўрсатилган.




5-расм. Дигидрокверцетин флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси




6-расм. Лютеолин флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси




7-расм. Кверцетин флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси



8-расм. Рутин флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси




9-расм. Апигинин флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси



10-расм. Цинарозид флавоноиди стандарт намуна эритмаси хроматограммаси

Экма зафарон қуруқ экстракти таркибидаги флавоноидларни миқдорини аниқлаш учун қуруқ экстрактни филтрлаб, ундан аниқ намуна олиб микрошприц ёрдамида хроматограф инжекторига юборилди. Олинган натижа 11-расмда кўрсатилган. Қуруқ экстрактни хроматограммасини стандарт намуналарни хроматограммаси билан солиштирилганда стандарт намуналарни хроматографик чўққиларига тенг хроматографик чўққилар кўрилди.




11-расм. Экма зафарон хомашёсидан олинган курук экстракт хроматограммасы


Экма зафарон ўсимлиги асосида олинган курук экстракт таркибида дигидрокверцетин (22,6 мг/г), лютеолин (5,8 мг/г), кверцетин (18,75 мг/г), рутин (19,6 мг/г), цинарозид (2,75 мг/г) ва салидрозид (3,3 мг/г) флавоноидларни миқдори сезиларли даражада кўплиги аниқланди. *Crocus sativus* L.-экма зафарон хомашёсидан олинган курук экстракт таркибидаги эфир мойларини ГСХ усулида аниқлаш. Адабиётлар шарҳида экма зафарон хомашёси таркибида флавоноидлардан ташқари эфир мойлари учраши кўрсатилганлиги сабабли экма зафарон хомашёсидан олинган курук экстракт таркибидан эфир мойларини миқдорини аниқлашни газ суюклик хроматография усули ишлаб чиқилди. Чунки эфир мойлари учувчан, юқори ҳароратда парчаланмайди. Курук экстракт таркибидан эфир мойларини аниқлашда 40% ва 60%ли курук экстракт эритмалари гексан ва ацетонитрилда экстракция қилиб олинган. Олинган натижалар 12 ва 13-расмда келтирилган.



12-расм. Курук экстракт таркибида учраши мумкин бўлган эфир мойларини стандарт намуналарини хроматограммасы



13-расм. Экма зафарон курук экстрактининг гексанли эритмасини хроматограммасы.



14-расм. Элма зафарон курук экстрактини ацетонитрилли эритмасини хроматограммаси

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, зафарон ўсимлигининг гексан экстрактида барча учта асосий компонент кузатилади: ушланиш вақти 26,766 дақиқа бўлган изофрон, 2,6,6-триметилциклогекса-1,3-диен-1-карбальдегид, ушланиш вақти 28,751 дақиқа ва 4-охоизофрон 30,875 дақ. Изофроннинг миқдорий таркиби 0,76 мг/мл, 2,6,6-учметилциклогекса-1,3-диен-1-карбалдегид 5,71 мг/мл ва 4-охоизофрон 0,68 мг/мл.

14-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, зафарон ўсимлиги хомашёси ацетонитрил экстрактида иккита асосий компонент кузатилган: 2,6,6-учметилциклогекса-1,3-диен-1-карбальдегид. 28,745 дақиқали чўкки ва ушланиш вақти 30,877 дақ. 4-охоизофрон. 2,6,6-триметилциклогекса-1,3-диен-1-карбалдегиднинг миқдорий таркиби 0,44 мг / мл ва 4-охоизофрон 0,42 мг / мл ни ташкил қилади. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, элма зафарон курук экстракти таркибидан эфир мойларини аниқлашда эритувчи сифатида гександан фойдаланиш самаралироқ.

Диссертациянинг «Элма зафарон – *Crocus sativus* L. ўсимлигининг гул туганаклари ва курук экстрактини стандартлаш» деб номланган тўртинчи бобда элма зафарон хомашёсининг сифат кўрсаткичлари, микробиологик тозалиги, спецификацияси ҳамда ноотроп таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

6-жадвал

**Элма зафарон гул туганаклари
СПЕЦИФИКАЦИЯ**

Кўрсаткичлар	Усуллар	Меъёрлар
1	2	3
Тавсиф	Визуал равишда	ВФМ га мувофиқ
Микроскопик	Ўз Р ДФ Микроскоп ик таҳлил	ВФМ га мувофиқ
Сифат реакциялар: - кроцин	Кимёвий реакциялар	Тозаланган сув билан икки марта суюлтирилгандан сўнг, тўйинган сариқ ранг доимий равишда сақланади.

<p>Сон кўрсаткичлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Эфир мойлари - Намлик - Умумий кул - 10% хлорид кислота эритмасида эримайдиган кул - 3 см дан узун бўлган гулбандлари қолдиқлари билан барг, поя, тўпгуллар - Қорайган ва қорамтир тусга кирган тўпгуллар - Органик ёт моддалар (бошқа заҳарли бўлмаган ўсимликларнинг қисмлари ва бошқа турдаги зафарон тўпгуллари) - Минерал ёт моддалар (тупроқ, қум, майда тошлар) 	Ўз Р ДФ	<p>0,5 % дан кам бўлмаган</p> <p>12 % дан кўп бўлмаган</p> <p>7% дан кам бўлмаган</p> <p>1,5% дан кам бўлмаган</p> <p>9 % дан кам бўлмаган</p> <p>5 % дан кам бўлмаган</p> <p>3 % дан кам бўлмаган</p> <p>0,5 % дан кам бўлмаган</p>
Микробиологик тозалик	Ўз Р ДФ	<p>1 г хомашёда аэроб бактерияларнинг умумий сони 107 дан кўп, замбуруғларнинг умумий сони 105 тадан кўп ва Escherichia coli. сони 102 тадан кўп бўлмаслиги керак.</p> <p>1 г хомашёда аэроб бактерияларнинг умумий сони 105 дан кўп, замбуруғларнинг умумий сони 104 дан ошмаслиги керак;</p> <p>10 г хомашёда Salmonella нинг йўқлиги; энтеробактериялар ва бошқа грам манфий бактериялар сони 103 тадан кўп бўлмаган (ангро қадоқлаш учун)</p>
<p>Микдорий таҳлил:</p> <ul style="list-style-type: none"> - эфир мойлари 	Хромато-масс спектрометрия	0,5% дан кам бўлмаган
Қадоқлаш	ВФМ га мувофиқ	
Ёрликлаш	ВФМ га мувофиқ	
Транспортда ташиш	ДСт 14192-96, ДСт 17768-90 ва ЎзР ДФ га мувофиқ	
Сақлаш шароитлари	Қурук жойда, ёруғликдан ҳимояланган, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда («ангро» маҳсулотини қадоқлаш учун)	
Яроқлилиқ муддати	18 ой	

б-жадвалда келтирилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, элма зафарон хомашёси сифатига қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб беради.

Олинган маълумотларга асосланиб, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти мутахассислари билан ҳамкорликда ВФМ ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВ хузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» давлат муассасасига томонидан тасдиқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Элма зафарон – *Crocus sativus* L. ватани, тарқалиши, кўпайтирилиши, қадимги олимлар томонидан аниқланган унинг шифобахш хусусиятлари, озиқ-овқат саноатида қўлланилиши, маданийлаштирилиши ҳамда фармокогностик тавсифига оид маълумотлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда маданийлаштирилган ўсимлик ҳамда унинг асосидаги дори воситаларни стандартлаш долзарблиги белгиланди.

2. Кимёвий ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида элма зафарон ва унинг асосида олинган қуруқ экстракт таркибидаги биологик фаол моддалар идентификация қилинди, жумладан флавоноидлар, аминокислоталар, микро ва макроэлементлар ҳамда эфир мойлари миқдори самарали замонавий таҳлил усуллари, хусусан ГХ, ГХ-МС, ЮССХ, ЮССХ-МС ёрдамида исботланди.

3. Элма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёсини стандартлаш учун сифат кўрсаткичларини ишончли мезонлари ишлаб чиқилди. Хомашё таркибидаги эфир мойлари миқдори хромато-масс-спектрометрия усулида аниқланиб, меъёрий ҳужжатларда унинг миқдори 0,5% дан кам бўлмаслиги белгиланди.

4. Элма зафарон – *Crocus sativus* L. хомашёси асосида олинган қуруқ экстрактни сифатини баҳолаш учун инструментал таҳлил усуллари ишлаб чиқилди. Асосий биологик фаол модда сифатида флавоноидлар белгиланди, уларнинг миқдорий таҳлили юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида олиб борилди ва 0,8 % кам бўлмаслиги тақлиф этилди.

5. «Элма зафарон гул тугунаклари» хомашёси учун турғунлиги табиий усулда аниқланди ва яроқлилик муддати 1,5 йилга тенг деб белгиланди.

6. «Элма зафарон гул тугунаклари» хомашёси учун вақтинча фармакопоя мақоласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Маркази» Давлат муассасаси томонидан тасдиқланди ва тиббиёт амалиётида фойдаланишга ва ишлаб чиқаришга руҳсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШОМАКСУДОВА МАРХАБОХОН ОДИЛХОН ҚИЗИ

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ СЫРЬЯ И СУХОГО ЭКСТРАКТА ШАФРАНА
ПОСЕВНОГО (*CROCUS SATIVUS L.*)**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2024

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.1.PhD/Far103.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Тўлаганов Абдуқодир Абдурахманович
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальный оппонент: Юлдашев Закиржан Абидович
доктор фармацевтических наук, профессор
Абдулладжанова Нодира Гуломжановна
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «3» октября 2024 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 58). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «10» сентября 2024 года.
(Реестр протокола рассылки № 58 от «10» сентября 2024 года).




К.С. Ризаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.


Ё.С. Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.фарм.н.,
профессор


Ф.Ф. Урманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно более 100 миллионов человек страдают от поражения центральной нервной системы из-за стресса, нарушения кровообращения. В связи с этим важно расширять ассортимент препаратов с ноотропными свойствами, разрабатывать современные методы их анализа и проводить исследования по доказательству их эффективности на основе результатов фармакотерапевтических исследований.

В настоящее время для применения широко используемых лекарственных растений в современной медицинской практике проводятся научные исследования по их фитохимическому и фармакогностическому анализу, выделению основных биологически активных веществ и доказательству их фармакологических свойств. В связи с этим особое внимание уделяется определению химического состава местного растительного сырья, обладающего ноотропным и противовоспалительным действием, идентификации действующих веществ современными методами, осуществлению работ по стандартизации, разработке соответствующих нормативных документов.

В области фармацевтики нашей республики достигаются определенные результаты по культивированию и организации на основании директивных документов плантаций лекарственных растений, широко используемых в мире, и на их основе обеспечению стабильным лекарственным сырьем с высокой терапевтической активностью. В 22-й цели Стратегии развития Нового Узбекистана определены такие важные задачи как «Увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов»¹. В связи с этим важно создать плантации шафрана, определить качественные и количественные показатели получаемого сырья, обеспечить его стабильность и высокий терапевтический эффект, доказать его безопасность, обеспечить потребность в нем местной фармацевтической промышленности, наладить разработку лекарственных средств на экспорт.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4901 от 26 ноября 2020 г. «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитию налаживания их семеноводства», № ПП-4670 от 10 апреля 2020 г. «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

ресурсов», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 августа 2017 г. №ПКМ-1-421 «О мерах по созданию плантаций шафрана в республике для обеспечения нужд фармацевтической промышленности и организации воспроизводства экспортируемых лекарственных растений» и другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В нашей республике важное значение имеют научные исследования по разработке лекарственных средств из лекарственного растительного сырья, контролю качества, определению количества биологически активных веществ и изучению их фармакологической активности таких ученых, как Х.Х.Холматов, Р.Л.Хазанович, Т.П.Пулатова, Х.У.Алиев, У.М.Азизов, В.Н.Сыров, Ш.Ш.Сагдуллаев, Ф.Ф.Урманова, Б.Й.Тухтаев, Х.М.Комилов, Н.Ж.Абдуллаев.

В мировом масштабе важное значение имеют научные исследования по изучению биологически активных веществ, содержащихся в препаратах, полученных на основе сырья лекарственных растений, их стандартизации и определению их биологической активности ряда ученых, в том числе N.V.Dau, V.N. Thang, J.P.Dzoyem, Lupak MI, Khokla MR, Hachkova G.Y., Adoga G.I., Hsu C.Y., Seo Sh, Lee Sh, Cha PH, Kim MY, Min do S, Choi K.Y., Olaru O.T., A.K.M.Moyeenul Huq, Jamina Azdina Jamal, Jonson Stanlas, Самылиной И.А., П.Г.Мизиной, Шварца Г.Я., У.Ф.Гашимова, Х.Ф.Бабаева, С.И.Гасановой, П.А.Шукюровой, О.В.Евдокимова, А.Н.Александрова, А.Н.Кузьменко, А.Н.Сливкина, Л.М.Гориловкого, А.Т.Терешинной, А.С.Чистяковой, Бабаскина В.Г., Ю.Г.Пшукова.

